

**Кенжабаев О.Т - ТМИ профессори.
Фозилов А.Ф- ТДИУ магистранти
О.Р. Алимов - Солиқ академияси магистранти**

РЕСПУБЛИКА БЮДЖЕТИ ВА МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАРНИНГ ДАРОМАДЛАР ВА ХАРАЖАТЛАРИНИ САМАРАЛИ БОШҚАРИШ МАСАЛАЛАРИ

Мақолада Мамлакатимиз молия-бюджет тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар худудлардаги молиявий муаммоларининг мавжудлиги ҳамда бугунги кундаги иқтисодиётни модернизациялаш шароитида республика ва маҳаллий бюджетлар даромадлари ва харажатларининг самарали бошқаришни кўрсатмоқда. Хусусан, давлат бюджети ва маҳаллий бюджетнинг даромадлари ва харажатлари бўйича маълумотлар асосида илмий таҳлилий хуносалар ишлаб чиқилинган.

Калит сўз: иқтисодий ўсиш, маҳаллий бюджет, тизим, даромадларни тақсимлаш механизми, бюджет ссудалари, мақсадли субвенциялар

В статье изучена эффективное управление финансовых и бюджетных реформ в текущих условиях страны, а также модернизация национальной экономики и использование доходов и расходов местных бюджетов. В частности, государственный бюджет и местные бюджеты разработаны на основе научной информации и аналитических выводов.

Ключевые слова: экономический рост, отечественная финансовая система, механизм распределения доходов, бюджетные кредиты, целевые субвенции

The finance and budget reforms in the article the current conditions of the aggravation of the financial problems of the region, as well as the modernization of the national economy and the effective management of revenues and expenditures of local budgets. In particular, the state budget and local budget revenues and expenditures elaborated on the basis of scientific information and analytical conclusions.

Key words: economic growth, the domestic financial system, income distribution mechanism, budget loans, targeted subventions

Хар қандай мамлакатда самарали бюджет-солиқ сиёсатини юритмасдан, ижтимоий-иктисодий тараққиётни таъминламасдан туриб пировард мақсади – аҳолининг юксак турмуш фаровонлигига эришиб бўлмайди. Бугунги кунда иқтисодиётимизнинг барча тармоқларида эркинлаштириш, таркибий ўзгаришлар, инновация ва модернизациялашга қаратилган туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Республикамизда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришда давлат бюджет тизими алоҳида ўрин тутади.

Таъкидлаш жоизки, барча давлатлар ўз функция ва вазифаларининг узлуксиз ҳамда тўлиқ равишда амалга ошириш орқали тараққиётни таъминлаш учун зарур маблағларни шакллантиришда солиқларга мурожаат

қиласи. Шу сабабли бугунги кунда жаҳон амалиётида давлатнинг функцияларини бажариш учун зарур бўлган молиявий маблағлар шакллантиришнинг солиқлардан бошқа усули амалда қўлланилмаган.

Амалга оширилаётган солиқ соҳасидаги ислоҳотлар солиқ юкини янада пасайтириш, солиқ тўловчилар учун енгиллик ва афзаликлар яратиб беришдан иборатdir. Шунга қарамасдан бир неча йиллардан бери давлат бюджети барқарорлиги яққол кўзга ташланмоқда. Ўзбекистон Республикаси 1-Президенти И.А.Каримов таъкидлаганлариdek: “Жаҳон молиявий-иктисодий инқизорзи ҳамон давом этаётганига қарамасдан, ҳисбот йилида ялпи ички маҳсулот 8 фоиз...йиллик бюджет ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоиз профицит билан бажарилди” [1, 2-б].

Келтирилган 1-жадвал маълумотларини таҳлил қиласиган бўлсак, 2010 йил давлат бюджети даромадлари 17061,3 млрд.сўмни ташкил этган бўлса, 2015 йилга келиб 36492,7 млрд.сўмга етиб, 22896 млрд.сўмга ёки 168,4 фоизга кўпайди. Бунда бевосита солиқлар 5251,7 млрд.сўмга ёки 148,1 фоизга, билвосита солиқлар 12335,3 млрд.сўмга ёки 179,8 фоизга, ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғи 2720,6 млрд.сўмга ёки 129,8 фоизга ҳамда бошқа даромадлар 2588,5 млрд.сўмга ёки 236,2 фоизга ошганини кўришимиз мумкин.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадлари таркиби, (млрд.сўм) [2]

Кўрсаткичлар	2011 йил	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2015 йил
Давлат бюджети даромадлари (мақсадли жамғармаларсиз)					
ЖАМИ	17061,3	21295,7	26223,0	31729,6	36492,7
Бевосита солиқлар	4 497,0	5 414,2	6 353,7	7 433,1	8 798,5
Билвосита солиқлар	8 225,0	10434,5	13398,6	16851,8	19193,8
Ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғи	2 626,2	3 312,5	3 888,2	4 311,6	4 816,1
Бошқа даромадлар	1 713,1	2 134,4	2 582,5	3 133,1	3 684,4

Шунингдек, 2011 йилда давлат бюджетининг 91,9 фоиз солиқли тушумлар 8,1 фоиз бошқа даромадлардан, 2015 йилда эса 89,9 фоизи солиқли тушумлар 10,1 фоизи бошқа даромадлардан шакллантирилган. Билвосита солиқлар ҳамда ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғининг улуши йилдан йилга ошиб бормоқда.

Давлат бюджети харажатларини таҳлил қиласиган бўлсак (2-жадвал), 2011 йилда 17061,3 млрд.сўмни ташкил этган бўлса, 2015 йилда 36289,8 млрд.сўмга етиб, 22902,9 млрд.сўмга ёки 171,1 фоизга ошди. Бунда ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш харажатлари 12598,9 млрд.сўмга ёки 160,8 фоизга, фуқаролик жамияти институтлари ва нодавлат нотижорат фонdlари ривожлантиришга грантлар ва маблағлар 5,5 млрд.сўмга ёки 122,2 фоизга, иқтисодиётга харажатлар 2333,2 млрд.сўмга ёки 154,1 фоизга, марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштиришга харажатлар 983,9 млрд.сўмга ёки 114,4 фоизга, давлат бошқарув органлари, бошқармалари,

судлари ва фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари харажатлари 1104,2 млрд.сўмга ёки 186,6 фоизга ва бошқа харажатлар 5007,5 млрд.сўмга ёки 186,6 фоизга ошганини қўришимиз мумкин.

Давлат бюджети харажатларида ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш харажатлари 2011 йилда 58,5 фоизни, 2015 йилда 56,3 фоизни ташкил этган ёки 2,2 фоизли пунктга пасайган. Иқтисодиётга харажатлар 0,7 фоизли пунктга пасайган, давлат бошқарув органлари, бошқармалари, судлари ва фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари харажатлари 1,38 фоизли пунктга, бошқа харажатлар 1,2 фоизли пунктга ўсган.

2-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатлари таркиби,
(млрд.сўм) [2]**

Кўрсаткичлар	2011 йил	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2015 йил
Давлат бюджети харажатлари (мақсадли жамғармаларсиз) ЖАМИ	16726,0	20882,0	25825,9	31425,0	36289,8
Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш харажатлари	9 704,9	12299,9	15147,0	18490,8	20434,8
Фуқаролик жамияти институтлари ва нодавлат нотижорат фондлари ривожлантиришга грантлар ва маблағлар	5,0	6,0	7,0	8,2	10,0
Иқтисодиётга харажатлар	1 931,6	2 317,0	2 749,8	3 364,9	3 846,7
Марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштиришга харажатлар	1 096,1	1 131,7	1 439,6	1 616,5	1 843,9
Давлат бошқарув органлари, бошқармалари, судлари ва фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари харажатлари	629,6	852,8	1 149,8	1 414,2	1 594,3
Бошқа харажатлар	3 358,7	4 274,6	5 332,7	6 530,5	7 690,3


Алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда 2005 йилдан бошлаб давлат бюджети профицит билан бажарилмоқда. Хусусан 2011 йилда давлат бюджети даромадлари 17061,3 млрд.сўмни, давлат бюджети харажатлари 13386,9 млрд.сўмни ташкил этиб, давлат бюджети 0,3 фоиз профицит билан бажарилди (3-жадвалга қаранг).

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети бажарилиши [2]

Кўрсаткичлар	2011 йил	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2015 йил
ЯИМ(трлн.сўм)	77,8	96,6	119	144,9	171,4
Профицит(млрд.сўм)	335,3	413,6	397,1	304,6	202,9
Бажарилиши (фоизда)	0,4	0,4	0,3	0,2	0,1


2015 йилда давлат бюджети даромадлари 36492,7 млрд.сўмни, давлат бюджети харажатлари 36289,8 млрд.сўмни ташкил этиб, давлат бюджети 0,1 фоиз профицит билан бажарилди.

Ўз навбатида Давлат бюджетининг шаклланишида маҳаллий бюджетлар муҳим аҳамият касб этади. 2015 йилда маҳаллий бюджетларнинг даромадлари улуши Давлат бюджетининг даромадларининг 44,2 фоизини ёки 2014 йилга нисбатан 2 561,5 млрд сўмга (ўсиш 18,9 фоиз), харажатларининг улуши эса 53,5 фоизни ёки ўтган йилга нисбатан 2 081,9 млрд. сўмга (ўсиш 12,0 фоиз) ошиди. Жумладан, давлат бюджетини шаклланишида маҳаллий бюджетнинг улуши ҳам сезиларли даражада оширилди. Бунинг қуидаги расм орқали тасвирлش мумкин.



1-Расм. 2015 йилда республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетлари даромадлари ва харажатларининг Давлат бюджетидаги улуши [3]

Ушбу расмдан кўриниб турибдики, республика бюджети ва маҳаллий бюджетнинг 2015 йилдаги ўзгариш тенденциясини кўриш мумкин.



2-Расм. 2015 йилда Қарақалпакстан Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетлари даромадларининг маҳаллий бюджет даромадларидағи улуши. [3]

2015 йилда республика бюджети даромадларининг маҳаллий бюджет даромадларидағи улуши вилоятлар кесмида 2-расмда көлтирилган. Бунга кўра 2015 йилда маҳаллий бюджетларга:

1. Мақсадли субвенциялар 2488,7 млрд. сўм миқдорида, жумладан:

-ҳалқ таълими соҳаси ходимларининг иш ҳақи ва ажратмаларига – 2 216,8 млрд. сўм,

-нафақаларга – 271,9 млрд. сўм ажратилиб, бу эса ўз навбатида мазкур тўловларни ўз вақтида амалга оширилишини таъминлади;

2. Ўз вақтида иш ҳақи ва нафақаларни молиялаштириш бўйича вақтинчалик касса узилишларини қоплаш учун 571,4 млрд. сўм миқдорида бюджет ссудалари ажратилди.

Шу ўринда давлат бюджети барқарорлигини таъминлашда, даромадлар ва харажатларнинг бир бирига мутаносиб бўлиши муҳим аҳамият касб этади.

Давлат бюджети даромадларининг асосий қисми солиқли тушумлар эканлигини ҳисобга олиб, бугунги кунда Республикаизда олиб борилаётган бюджет-солик сиёсати мамлакатда макроиктисодий барқарорликни таъминлашга ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини қўллаб-қувватлашга қаратилгандир.

Хулоса сифатида Республика ва маҳаллий бюджетларни самарали бошқарувини тизимли тартибга солишида қўйидаги чора-тадбирларни келгусида амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади:

- солиқ юки даражасини асосли равишда камайтириб бориш, давлат бюджети даромадлари таркибида бевосита ва билвосита солиқлар улушкини ошириш ёки солиқقا тортиш нисбатининг оптималь даражасини аниқлаш лозим. Чунки ЯИМни солиқлар орқали қайта тақсимлаш ва давлат харажатлари салмоғининг камайтирилиши иқтисодиётда ишсизлик

даражасини камайишга хизмат қилиб, солик юкининг камайтишига мутаносиб равища давлат харажатларининг қисқартирилиши янги иш ўринларини яратиб, ишлаб чиқаришни кенгайтиришга ҳамда охир оқибат иқтисодий ўсишни таъминлашга олиб келади.

- иқтисодиётда солиққа тортиш механизмининг ишлаш самарадорлигини баҳолашда ЯИМдаги солиқлар улуши билан Давлат бюджетида ижтимоий харажатлар улуши кўрсаткичини ўзаро боғлиқлиқда тадқиқ этиш мақсадга мувофиқдир.

- маҳаллий бюджетлар имкониятларини оширишнинг истиқболдаги вазифаларини белгилашда солик омилларининг барқарор ва муҳим манба эканлигини солиқли даромадларнинг мукаммал нисбатларини таъминлаш даркор.

Умуман худудлар молиявий имкониятларини ривожлантириш стратегияси юзасидан юқорида келтирилган таклифларнинг ҳисобга олиниши давлатнинг республика ва маҳаллий бюджетларни самарали бошқариш сиёсатидаги вазифаларнинг ўз вақтида ва тўла амалга оширилишини таъминлайдиган ҳамда мамлакатимизнинг жаҳон молиявий инқизори шароитида республикани бу ҳолатдан ҳимояланишида муҳим илмий-услубий кўрсатмаларни бера олади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислоҳотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. // Халқ сўзи, 2016 йил 16 январь, №11, 2-б.

2. www.mf.uz – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги расмий сайти маълумотлари

3. <http://www.stat.uz> - Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий сайти маълумотлари.